# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 18 май, № 97 (5264) Чоршанба


## ПРЕЗИДЕНТ ДЕҲЛИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибҳа Патилнинг таклифига биноан 17 май куни давлат ташрифи билан Деҳли шаҳрига жўнаб кетди.***

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**(ЎзА).**

## ИСЛОМ КАРИМОВ ДЕҲЛИГА КЕЛДИ

*Деҳли, 17 май. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибҳа Патилнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Деҳлига келди.***

Ташрифнинг асосий воқеалари 18 майга мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибҳа Патил, Бош вазири Манмоҳан Сингх, шунингдек, Сенати Спикери, вице-президенти Муҳаммад Ҳамид Ансари, ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришна ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

Музокаралар якунида мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**(ЎзА).**

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

*Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгилаш, жамиятни либераллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Пировардида кўп партиявийлик тизими тобора мустаҳкамланиб, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши кузатилди. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш заруратини вужудга келтирди.*

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Айниқса, шу ўринда мамлакат ҳукуматини шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилишда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти оширилганини яна бир бор эътироф этиш лозим.

Концепциянинг сиёсий партияларнинг ролини ва таъсирини янада кучайтиришга, сиёсий партиялар орқали халқимизнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштиришга бағишланган биринчи йўналишига мувофиқ, Президентимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуни қабул қилинди ва жорий йил 19 апрелдан эътиборан кучга кирди.

Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда, тасдиқланган ҳисобланади. Албатта, бу қоидаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши сиёсий партиялар ривожига кучли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ўз вазифаларини амалга оширишда партияларнинг масъулияти ҳам бирмунча ошади.

(Давоми 2-бетда).



## НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИ

### халқаро кўргазмада ҳам яққол намоён бўлмоқда

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Ўзбекистон нефти ва гази — OGU — 2011" ўн бешинчи халқаро кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "ITE Uzbekistan" кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.*

**Кўргазма**

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли барча соҳалар қаторида нефть ва газ саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон нефть ва газ қазиб олиш, ёқилғи-энергетика ресурслари ишлаб чиқариш бўйича дунё давлатлари орасида ўз ўрни ва нуфузига эга эканлиги, шунингдек, бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ана шундан далолат беради.

Айтиш жоизки, хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва соҳага илғор технологияларни жалб этишда анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур нуфузли кўргазма ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда қатнашиш истагини билдирган компания ва ташкилотлар сони йил сайин ортиб бораётгани бунинг тасдиғидир. Жумладан, жорий йилдаги тадбирда дунёнинг 26 давлатидан 200 дан зиёд компанияларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Улар орасида Россиянинг "Лукойл", Малайзиянинг "Petronas", Хитойнинг "CNPC", Жанубий Кореянинг "KOGAZ" сингари нефть-газ саноатининг йирик компаниялари борлиги эътиборга лойиқ.

— Юртингиз саноати, хусусан, нефть ва газ ишлаб чиқариш салоҳияти тобора юксалиб бораётганига мана, етти йилдирки, бевосита гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Австриянинг "Hoerbiger" компанияси бизнес бўйича менежери Эрве Феррари. — Чунки 2005 йилдан буён ушбу кўргазмада қатнашиб, ҳар гал тизимдаги янгиликлардан бохабар бўлган ҳолда, кўплаб шартномалар имзолашга эришаяпмиз. Навбатдаги кўргазмага тақдим этаётган маҳсулотимиз, яъни нефть-газ қазиб олиш ва узатишда ишлатиладиган ускуналар учун босим қопқоқлари барчада катта қизиқиш уйғотишидан умидвормиз.

Мухтасар қилиб айтганда, кўргазма павильонларидаги қулай муҳит ва шарт-шароитлар жаҳонда соҳа бўйича яратилган янгиликларни тарғиб қилиш баробарида, компаниялар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда инновацион лойиҳаларни қўллаш имконини оширишга хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** халқаро кўргазма фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

**Жак БАРРА:**

## УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАГИ САРИ ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

*Бутун жаҳонда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Хорижда мамлакатимизга бағишланган мақолалар мунтазам эълон қилинмоқда, янги китоблар чоп этилмоқда. Жумладан, Париж шаҳрида 2010 йилда нашр этилган "Ўзбекистон геосиёсати" китоби жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур китобда Ўзбекистоннинг тарихи, мустақиллик йилларидаги тараққиёт йўли хусусида ҳикоя қилинган. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти босқичма-босқич шакллантирилгани, амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнлари статистик маълумотлар асосида кенг ёритилган. Яқинда ушбу китоб муаллифи — Франциянинг етакчи сиёсатшуносларидан бири, "Pantheon-Assas Paris II" университети профессори Жак БАРРА мамлакатимизда меҳмон бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири олим билан "Ўзбекистон геосиёсати" китобининг мазмун-моҳияти хусусида суҳбатлашди.*

— Гўзал ва мафтункор юртингизга яна келиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман, — дейди Ж. Барра. — Бу галги ташрифим давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ташқи сиёсий тадқиқотлар мувофиқлаштириш-таҳлил марказидаги бир қатор тадбирларда иштирок этдим. Ўзбекистонлик мутахассислар билан кўплаб долзарб мавзулар юзасидан фикр алмашдик. Тошкентда 12-13 май кунлари бўлиб ўтган "VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар" мавзуидаги халқаро конференцияда эксперт сифатида қатнашдим. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Ўзбекистон геосиёсати" китобимга бағишланган семинар ташкил этилди. Бу китобни, таъбир жоиз бўлса, нафақат бутун ақл-идрокимни сафарбар этиб, балки қалб қўримни ҳам қўшиб ёзганман. Бой тарихга эга ва бугун юксак муваффақиятларга эришаётган Ўзбекистондек мамлакатга нисбатан самимий муҳаббатим ва уни ўрганишга бўлган катта қизиқишим китоб устида ишлаш жараёнида менга куч-қувват бағишлади.

Ўзбекистон жаҳонга машҳур ва истеъдодли шоирлар, ёзувчилар, файласуфлар, математиклар, астрономлар ва илм-фаннинг бошқа йўналишларида изланган олимларни етказиб берган диёр сифатида ҳам ном қозонган. Мустақил Ўзбекистон ўз давлатчилигини шакллантириш жараёнида ўтиш даврининг барча синовларини муваффақиятли енгиб, барқарор ривожланмоқда, изчил ташқи сиёсат юритмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, дунёнинг турли минтақаларида беқарорлик ва ҳарбий можаролар авж олган, даҳшатли табиий ва техноген офатлар тез-тез рўй бераётган бир пайтда мамлакатингиз тажрибаси беқиёс аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***17 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида палатанинг Қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурига мувофиқ, шунингдек, ЎзЛиДеП фракциясининг ташаббусига кўра, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масала бўйича ахбороти юзасидан парламент эшитуви бўлиб ўтди.***

Ушбу тадбирнинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий қоидаларидан келиб чиқади. Маълумки, ушбу Концепцияда давлат ва жамият қурилиши тизимида ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ахборот соҳасини янада ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Бинобарин, ахборот-коммуникация технологиялари сиёсий модернизация, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан илдам ривожлантириш жараёнларида борган сари муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳозирги кунда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари жаҳонда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Дастурий маҳсулотлар бутун ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади, ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади, миллий иқтисодиётлар инновацион ривожланишининг жуда муҳим шарти бўлиб, глобаллашув шароитларида мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Эшитувдан кўзланган мақсад — ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг оптимал йўлларини муҳокама қилиш ва мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат эди.

Тадбирда барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватанимизнинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) бир ой муддатда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонлари ва гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 17 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2011 йил 17 майдаги ПФ-4306-сонли
Фармонига 1-илова

## «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватанимизнинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2011 йил 17 майдаги ПФ-4306-сонли
Фармонига 2-илова

## «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони ТАВСИФИ







«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олд томонида таралаётган қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасига ўрнатилган турналар шакли тасвирланган, унинг қуйи қисмида ер шари тасвири туширилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси харитаси акс эттирилган. Эсдалик нишонининг юқори қисмининг марказида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг юбилей санасини англатувчи «20 YIL» деган ёзув берилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 20 YIL» сўзлари ёзилган бўлиб, икки четкасидан саккиз қиррали юлдуз билан чегараланган.

Эсдалик нишонининг олд томонидаги «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA 20 YIL» сўзларининг фони қизил эмаль билан, таралаётган қуёш нурлари, турналар ва ер шари акс этган қисмидаги фон мовий ранг эмаль билан қопланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмининг марказида «2011» ёзуви қайд этилган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

Эсдалик нишони ҳалқача ва илгакча ёрдамида устки қисмига эни 20 миллиметрли мовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.

## Жак БАРРА:

# УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАГИ САРИ ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонни чуқурроқ англаш учун юртингизнинг узоқ асрлик тарихини, халқингизнинг бой ўтмиши ва маданиятини ўрганиш, тадқиқ қилиш зарур. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини, ушбу ҳудудга ислом дини кириб келган даврдан бошлаб, Самарқанднинг “олтин асри” — Темурийлар ҳукмронлиги даврини ўрганиш ғоят қизиқарли бўлди.

Бугунги Ўзбекистон бутун дунёда катта қизиқиш, ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар, аввало, собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар вақт синовидан ўтган ислоҳотларнинг “ўзбек модели”дан самарали фойдаланса, улар бугун ўз бошидан кечираётган кўплаб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолардан халос бўлишига ишончим комил. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг машҳур беш тамойили нечоғли тўғри эканлигини бугунги кунда кўплаб давлатлар тобора чуқур англаб етмоқда.

**— Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Францияда қандай қабул қилинмоқда?**

— Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги тажрибаси халқаро ҳамжамият эътиборини тобора кенг жалб этмоқда. Зеро, ривожланган демократик мамлакатлар ўн йиллар давомида эришган муваффақиятларни Ўзбекистон 20 йиллик мустақил тараққиёти давомида қўлга киритди.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш бўйича пухта ўйланган, мантиқий ва улкан стратегик аҳамиятга эга дастурдир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, ушбу соҳада демократик ислоҳотларни амалга оширишга қаратилаётган катта эътиборни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатда эркин ва мустақил ривожланмоқда ҳамда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланишида катта ўрин тутмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда фуқаролар аста-секин ўз маданий савиясини янада ошириш ва бошқарув кўникмаларини шакллантириш орқали фуқаролик жамияти институтлари воситасида ўз зиммасига кўпроқ давлат ҳокимияти вазифаларини олиб, ўзини ўзи бошқаришга ўтмоқда.

Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари Ўзбекистонни бу борада минтақадаги энг илғор мамлакат, дейиш имконини беради.

Шубҳасиз, қисқа вақт давомида ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш мушкул иш. Халқ ҳам, давлат ҳам бундай “шок терапияси”га тайёр бўлмайди. Ҳар қандай давлатда демократик ислоҳотларни амалга оширишда бу жиҳатларни, албатта, эътиборга олиш зарур. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбариятининг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш борасидаги изчил сиёсати катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор. Мамлакатингизга ушбу муҳим вазифани амалга оширишда ва миллий давлатчиликни янада мустаҳкамлашда улкан ютуқлар тилайман.

**— Ҳар қандай давлатнинг салоҳияти айни пайтда у юритаётган ташқи сиёсат самарадорлиги билан ҳам белгиланади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти ҳақида нима дея оласиз?**

— Мамлакатингиз оқилона, амалий ва узоқ истиқболни кўзловчи дипломатия намунасини намойиш этмоқда. Минтақадаги мураккаб ва қалтис геосиёсий муҳитга қарамай, Ўзбекистон Ислом Каримов раҳбарлигида ўзининг мустақил ташқи сиёсатини юритмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсати тамойиллари дунёнинг етакчи давлатлари томонидан ҳурмат билан қабул қилинмоқда. Бу давлатлар мамлакатингиз раҳбариятининг пухта ўйланган ва оқилона қарорларини юксак қадрлайди.

Франция Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббусларини диққат билан кузатиб келмоқда. Зеро, Европанинг хавфсизлиги бевосита Афғонистонда барқарорликка эришиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон раҳбариятининг афғон муаммосини фақат ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиб бўлмаслиги тўғрисидаги позициясини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Барчамиз кўриб турибмизки, Афғонистондаги вазиятни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиш борасидаги уринишлар ҳеч қандай самара бергани йўқ. Билъакс, ҳарбий ҳаракатлар бу жафокаш мамлакатдаги муаммоларни янада кескинлаштириб юборди. Ўзбекистон минтақада хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Шу туфайли жаҳон ҳамжамияти томонидан мамлакатингиз раҳбариятининг оқилона таклиф ва ташаббусларининг қабул қилиниши афғон муаммосини ҳал этишни жадаллаштириши мумкин. Европада Ўзбекистоннинг Афғонистонни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берилмоқда.

**— Ғарбда Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё дарёлари сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш борасидаги позициясига қандай муносабат билдирилмоқда?**

— Бугунги кунда сув тақчиллиги миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, том маънодаги халқаро муаммога айланди. Мен Ўзбекистоннинг минтақадаги айрим давлатларнинг сувдан фойдаланиш борасидаги келишилмаган хатти-ҳаракатлари олиб келиши мумкин бўлган аянчли оқибатлардан ташвишланаётганлигини яхши тушунаман. Тожикистондаги Роғун ГЭСи каби йирик объектларнинг қурилиши бутун минтақа давлатларини хавф остида қолдиради, Орол инқирозини янада кескинлаштиради, экотизимларда тузатиб бўлмайдиган ўзгаришларни келтириб чиқаради ва Ўрта Осиё давлатларининг барқарор ривожланишига катта зарар етказади. Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган “VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар” мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам мен ана шулар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдим. Унда қабул қилинган якуний ҳужжатда минтақанинг барча давлатлари томонидан халқаро сув ҳуқуқи меъёрлари ва тамойилларининг қабул қилиниши ҳамда уларга сўзсиз риоя этилиши зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур ҳужжатга кўра, минтақадаги ҳар бир давлат трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан уларнинг қуйи оқими бўйидаги бошқа давлатларга зарар етказмаган ҳолда фойдаланиши зарур.

Япониядаги ҳолат бутун дунёда катта ташвиш уйғотди. Дунёнинг кўплаб давлатлари бундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўришга мажбур бўлди. Бу тушунарли, албатта. Биноларнинг зилзилабардошлигига энг юксак талаблар қўйиладиган мамлакатда шундай мудҳиш ҳалокатлар рўй берган экан, дунёнинг бошқа бирон бир давлати ўзини Япониядаги каби фожиадан кафолатли ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайди.

Шу нуқтаи назардан, Тожикистон ҳукуматининг айрим аъзолари томонидан Роғун ГЭСи экологик экспертизадан ўтганидан кейин ҳам унинг техник ўлчамлари ўзгартирилмайди, деб берган баёнотлари ҳақорат бўлиб туюлади. Буни телбалик, деб аташдан бошқа чора йўқ. Тожикистоннинг олий мартабали вакили аввалдан, халқаро экспертиза маълумотлари эълон қилинмасидан туриб, амалда уларнинг хулосаларини инкор этмоқда, бу билан комиссиянинг ваколати ва қўшни давлатлар, уларни қўллаб-қувватлаган ҳамда трансчегаравий сув оқимида ГЭС қурилиши лойиҳасининг холис ва ҳар томонлама таҳлил қилинишини талаб қилган халқаро ҳамжамият манфаатларини шубҳа остига қўймоқда.

Сувдан фойдаланиш масаласида тижорий мақсадларни кўзлаётган Тожикистон ҳукумати фақат ўз фойдасини ўйламай, минтақадаги бошқа халқларнинг манфаатлари билан ҳам ҳисоблашиши керак. Тожикистон ҳукумати бундай пухта ўйланмаган “экспериментлар” қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етиши зарур.

Ҳозирги пайтда амалга оширилиши таклиф қилинаётган гидроэнергетика лойиҳалари аллақачон эскириб бўлган. Бу лойиҳаларда бўлажак қурилиш ҳудудининг Рихтер шкаласи бўйича 9 баллгача етадиган юқори сейсмик даражаси, тез-тез сел келиши ва тупроқ кўчиши ҳолатлари инобатга олинмаган. Ваҳолонки, бу ҳудудда сўнгги 110 йил ичида 20 дан ортиқ кучли ер силкинишлари рўй берган. Жаҳонда бундай ҳудудларда улкан гидроиншоотларни қуриш тажрибаси учрамайди.

35 йилдан буён ҳавога заҳарли моддалар чиқариб, атроф-муҳитни ифлослантираётган ҳамда турли респиратор, онкологик касалликлар ва бошқа хасталикларни келтириб чиқариш орқали одамлар соғлиғига катта зарар етказаётган Тожикистон алюминий заводининг фаолияти ҳам минтақа экологиясига жиддий хавф солмоқда. Ҳолбуки, 1994 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўртасида Тожикистон алюминий заводи ҳудудидаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Аммо режалаштирилган тадбирларнинг аксарияти бажарилмай қолиб кетди. Аксинча, бу ерда иш кўламини ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мўлжалланмоқда, демак, заҳарли чиқиндилар ҳам янада ортади.

Умуман, йирик саноат объектларини қуришга масъулият билан, уларнинг фаолияти келтириб чиқариши мумкин бўлган барча оқибатларни пухта ўйлаган ҳолда ёндашиш зарур. Шу муносабат билан Ўрта Осиёда сув ва гидроэнергетикага тааллуқли масалалар долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда ва улар катта эътибор билан кўриб чиқилиши лозим.

Дунёдаги бирон бир давлат ҳаёт учун зарур сув манбаларини қўшни мамлакатлар манфаатларига зарар етказган ҳолда ўзлаштириб олиши мумкин эмас. Шу билан бирга, табиат инжиқликларини олдиндан билиш мушкул эканлиги туфайли бирон бир давлатнинг улкан, айни пайтда хавфли иншоотларни барпо этиш орқали ўз аҳолисининг ва қўшни давлатлар аҳолисининг ҳаётини хавф остида қолдиришга ҳаққи йўқ.

Европадаги холис фикрга эга экспертлар трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш борасида Ўзбекистон позициясини қўллаб-қувватлайдилар. Яна таъкидлаш жоизки, мамлакатингиз раҳбарияти БМТ шафелигида трансчегаравий дарёлардаги барча гидроэнергетик иншоотларнинг мажбурий халқаро экспертизадан ўтказилишини талаб қилмоқда. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Акс ҳолда, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи 50 миллионлик аҳолининг тақдири ва манфаатлари хавф остида қолади.

**— Китобингизда Ўзбекистон иқтисодиётига алоҳида боб бағишланган. Ўзбекистоннинг бу борада эришган натижалари ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан бошлаб ривожланишнинг “ўзбек модели” асосида изчил ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда. Танланган ана шу йўл самарасида мамлакатда 1991 йилдан буён умумий молиявий барқарорлик сақлаб келинмоқда, изчил иқтисодий ўсиш таъминланмоқда, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирининг олди олинди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланаётгани (8,5 фоиз атрофида) Ўзбекистоннинг дунёдаги иқтисодиёти тез ривожланиб бораётган етакчи давлатлар сафидан ўрин олишида муҳим омил бўлди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва изчил ривожланишига, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ошишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатда сўнгги 5 йилда ялпи ички маҳсулот йилига ўртача 8 фоизга ўсаётгани Ўзбекистоннинг юқори иқтисодий ривожланиш даражасидан далолатдир. Бу амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг юксак самаралари ифодасидир. Буни иқтисодиётнинг асосий тармоқларида эришилаётган муваффақиятлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар натижаси, шунингдек, аҳоли фаровонлиги реал ўсаётгани ҳам тасдиқлайди.

Қайд этиш зарурки, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ривожланишнинг “ўзбек модели”-нинг устувор йўналиши ҳисобланади. Мамлакатда аҳоли турмуш даражасининг муттасил ошиб бораётгани кузатилмоқда. Масалан, аҳолининг ўртача умр кўриши 1991 йилдан буён 67 ёшдан 73 ёшга етди, энг кам иш ҳақи миқдори эса 14 баравар ортди. Ўзбекистонда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Таълим соҳасига ажратилаётган давлат харажатлари кўплаб мамлакатларнинг бу борадаги кўрсаткичларидан юқори бўлиб, мазкур мақсадларга давлат йилига ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизини сарфлайди. Айни пайтда ушбу кўрсаткич жаҳонда ўртача 3-5 фоизни ташкил этади. Соғлиқни сақлаш соҳасида оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакат бюджетининг ярмидан ортиқ қисми ижтимоий эҳтиёжларга, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига йўналтирилмоқда. Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислоҳотлар нечоғли муваффақиятли амалга оширилаётганлиги мен Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўтказилган семинарда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ақл-заковати юксак, мақсад сари дадил интиладиган, ўз халқининг тарихини чуқур биладиган ва мамлакатда амалга оширилаётган сиёсатни теран англаб етадиган, ҳар томонлама билимли, хорижий тилларда эркин мулоқот қила оладиган Ўзбекистон ёшлари мени ҳайратга солди.

Ўзбекистон ўзининг ривожланиш моделига қатъий амал қилган ҳолда, улкан ютуқларга эришмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар сиёсати танланган йўлнинг тўғрилигини кўрсатди. Барча соҳаларда катта муваффақиятларни қўлга киритаётган Ўзбекистон ўзининг буюк келажаги сари ишонч билан одимламоқда.

**— Китобингизнинг бўлимларидан яна бири Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасига бағишланган. Мазкур тармоқнинг салоҳияти ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Қадимий Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон жаҳон аҳамиятига эга сайёҳлик объектларига бой. Ўзбекистон қадимдан Шарқ ва Ғарбни боғловчи ўзига хос кўприк бўлиб келган. Бу ерда нафақат ўзаро савдо-сотиқ қилинган, балки турли маданиятлар, урф-одатлар, анъаналар қўшилиб, бир-бирини бойитган. Буларнинг барчаси ҳозирги Ўзбекистонда турли маданиятлар ва фалсафаларнинг ноёб синтези шаклланишига олиб келган. Бугун мамлакатда кўплаб миллатлар, динлар ва конфессиялар вакиллари тинч-тотув турмуш кечирмоқда.

Ўзбекистоннинг қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар ўзининг бетакрорлиги ва гўзаллиги билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ерда асраб-авайлаб келинаётган ўтмишнинг буюк ёдгорликлари жаҳон цивилизациясининг бойлигидир. Бугун бутун жаҳон бу ноёб ва бетакрор обидаларни зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлмоқда. Мамлакатингиз раҳбариятининг аждодларнинг бой меросини, жумладан, ноёб амалий санъат намуналарини асраб-авайлашга қаратилган улкан эътибори таҳсинга сазовордир. Биз бу борада ҳам Ўзбекистондан ибрат олсак, арзийди.

Ўзбекистонга сафарим давомида турли тузилмалар вакиллари, мамлакатингиз ёшлари билан бўлиб ўтган қизиқарли ва мазмунли учрашувлар менга янги маълумотлар тўплаш имконини берди. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг кенг кўлами ва серқирралигидан далолатдир. Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан қатъий ишонч билан дадил бормоқда, демократия тамойиллари асосида давлат, жамият ва иқтисодий қурилиш соҳаларида тобора кўплаб ютуқларга эришмоқда. Яна бир бор таъкидламоқчиманки, халқингизнинг бу борадаги ютуқлари дунёнинг тараққиётга интилаётган кўплаб давлатлари учун ибратдир. Умид қиламанки, мен яна давом эттирадиган тадқиқотлар Ўзбекистон билан Франция ўртасида қарор топган самимий муносабатларнинг ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**ЎзА мухбири**
**Анна ИВАНОВА**
**суҳбатлашди.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Парламент аъзолари Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг нормалари давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилишининг боришини, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг, ахборот технологиялари бозорининг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ. Муҳитдинов ўз маърузасида таъкидладики, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда АКТни ривожлантиришнинг тегишли норматив-ҳуқуқий базаси яратилди. Хусусан, шу давр ичида ушбу соҳага тегишли 11 Қонун, 3 та Фармон, мамлакат Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур ҳужжатлар асосида дастурий маҳсулотларни шакллантиришга, ҳужжатлаштиришни бошқаришга, хавфсизликни таъминлаш услублари ва воситаларига ҳамда бошқа масалаларга нисбатан қўйиладиган талабларни тавсифловчи 660 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат, 20 тадан ортиқ тегишли стандарт ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ва бож соҳасида катта имтиёзлар берилди. Ушбу чора-тадбирлар дастурий маҳсулот бозори илдам ривожланишини рағбатлантирди. Чунончи, агар 2005 йилда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компаниялар сони салкам 100 тани ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб, уларнинг сони 241 тага етди. Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга доир статистика кўрсаткичлари, умуман олганда, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бораётганлигидан далолат беради. 2007 — 2010 йилларда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўрт мартага кўпайиб, 2 501,6 миллион сўмдан 12 623,2 миллион сўмгача етди.

Мамлакатимизда ўз дастурий маҳсулотларимиз ишланмаларини тайёрлаш, уларнинг экспортини кўпайтириш, тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ёш дастурчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида 2004 йилда Ёш дастурчилар тайёрлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилганлиги ҳамда у ҳозирги кунда самарали фаолият олиб бораётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ташкилий кўмагида 2005 йилнинг декабрида Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси таъсис этилди.

Тақдим этилган маъруза депутатлар томонидан муҳокама қилиниши чоғида ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарларининг депутатлар саволларига берган жавобларида Ўзбекистонда маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари маҳсулотларининг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганлиги таъкидланди. Машҳур ишлаб чиқариш фирмаларининг хорижий дастурий таъминоти Ўзбекистон бозорида реализация қилиниши ва унинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан бир қаторда мамлакатимизда хорижий дастурий маҳсулотлар билан рақобат қилишга қодир янги дастурий маҳсулотлар ишланмалари яратилмоқда.

Айни бир вақтда, депутатларнинг фикрича, иқтисодиётнинг фавқулодда истиқболли ушбу секторини ривожлантириш борасида, шу жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятида анчагина фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Дастурий таъминот ва унинг экспорти бозори ҳажмлари ҳануз камлигича қолмоқда, дастурий таъминот соҳасида мамлакатимизда яратилган лицензияга эга ишланмаларнинг сони ҳам кам. Боз устига, амалиётда оффшор дастурлаш тизимлари бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар ноқонуний хўжалик фаолияти юритаётганлиги ҳоллари учраб туради. Буларнинг барчаси мамлакатимизда жуда юқори савиядаги интеллектуал ва кадрлар имконияти мавжуд бўлган бир пайтда қатор ташкилий масалалар ҳал этилмаганлиги, ушбу фаолият соҳаси қонунчилик жиҳатидан етарли даражада аниқ регламентланмаганлиги соҳани ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлигини яна бир бор намойиш этди.

Кун тартибига киритилган масаланинг муҳокамаси вақтидаги кескин мунозараларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи қонун ҳужжати ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш фикрини баён қилдилар. Бунда таъкидландики, дастур тармоғини ривожлантиришнинг қудратли қонунчилик ва ташкилий базасини яратиш нафақат мамлакатимизда дастурий таъминот индустриясини янада ривожлантиришга, балки хорижий дастурий маҳсулотга бўлган тобеликни босқичма-босқич бартараф этишга ҳам хизмат қилади. Бу эса глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, дастурий таъминот бозорини янада ривожлантириш ва мамлакатимиздаги дастурлар ишлаб чиқувчиларни қўллаб-қувватлаш учун дастурий таъминот ишланмалари яратиш ва уларни етказиб бериш соҳасида давлат буюртмалари тизимидан фойдаланиш ҳам зарур. ЎзХДП вакилларининг таъкидлашича, айни барқарор давлат буюртмаси дастурий таъминот бозорини ривожлантириш имконини беради. Мазкур фракция аъзолари давлат буюртмалари миллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий воситаси эканлигига жаҳон амалиётидан мисоллар келтирдилар.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари хорижда ишлаб чиқилганлари билан рақобат қилишга қодир бўлган мамлакатимизда ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларни кўпайтириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратдилар. Улар таъкидладиларки, ушбу вазифани ҳал этишга дастурий таъминот индустриясига келаётган инвестиция оқимини ҳуқуқий жиҳатдан рағбатлантириш кўмаклашади. Дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бу борадаги муҳим чоралардан бири сифатида таклиф қилинди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш дастурий индустрияни муваффақиятли ривожлантиришнинг жиддий омилларидан бири эканлигини таъкидладилар. Ҳозирги кунда ННТлар умуммиллий вазифаларни амалга оширишда давлат органларининг фаол шерикларига айланиб бормоқда. Шунинг учун мамлакатимиз дастурий маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ННТларнинг ҳамкорликдаги ишини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарур.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари таъкидладиларки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, АКТ соҳасида ишловчи миллий компаниялар ўз эътиборларини табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги кескин вазифаларни, масалан, сувдан оқилона фойдаланиш, биологик хилма-хилликни ривожлантириш ва бошқа масалаларни ҳал этишда ҳозирги замон дастурий тизимларидан фойдаланишга эътиборни қаратишлари керак.

Кун тартибига киритилган масаланинг батафсил муҳокамаси вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси тегишли қарор қабул қилди. Ушбу қарорда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли нормалари сўзсиз бажарилишини таъминлашга, миллий дастурий таъминот индустриясини ривожлантириш учун зарур бўлган мақбул иқтисодий муҳитни шакллантиришга, унинг экспорт салоҳиятини оширишга, шунингдек, мамлакат дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришни таъминловчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва тавсиялар назарда тутилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати.**

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Концепцияда илгари сурилган таклифлар сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятига эга энг муҳим масалалар ечимини топишдаги роли ва таъсирини кучайтириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бунинг натижасида сиёсий партияларнинг жамиятда обрў-эътибори ошиб, мавқеи мустаҳкамланиши билан бирга, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг бўғинига айланади. Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар томонидан давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши, биринчидан, улар монополлашувининг олдини олади, иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади. Айни чоғда шахс манфаатлари давлат манфаатларидан устуворлиги таъминланади.

Шуни қайд этиш лозимки, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдаги ролини кучайтириш натижасида ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ўсганлиги, демократик институтларнинг такомиллашганлиги бундан кейин ҳам ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мумкинлигидан далолат беради. Умуман олганда, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили тобора қарор топиб бораётганлигининг белгисидир.

Чунончи, Конституцияга киритилган тузатишларга мувофиқ, парламент қуйи палатасида энг кўп депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини эгаллаган сиёсий партиялар Бош вазир номзодини таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу эса, табиийки, сиёсий партиялар зиммасига бир қатор устувор вазифаларни юклайди. Аввало, сиёсий партиялардан парламент қуйи палатасида энг кўп ўринни эгаллаш учун аҳоли ҳамда ўз электорати доирасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш талаб қилинади. Айни пайтда сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобатнинг янада кучайишига олиб келади. Бунда сиёсий партиялар, юқорида таъкидлаганимиздек, амалий мухолифат позициясида бўлмоғи керак. Қолаверса, янги тартиб-таомиллар сиёсий партиялар ўз дастурларини яна бир карра қайта кўриб чиқишини тақозо этади. Чунки бу дастурларда электоратни жалб қила оладиган, сайловчилар ҳам мазкур партия томонидан кўрсатилган номзодларга ўз хоҳиш-истаги билан овоз берадиган ғоялар мужассам бўлмас экан, унда ҳеч қайси бир сиёсий партия ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмайди.

Қолаверса, Концепцияда белгилаб берилган вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши сиёсий партиялардан сайланган депутатлар (сиёсий партиялар фракцияси)нинг сиёсий онги ва тафаккури жуда юқори бўлишини талаб қилади.

Конституцияга киритилган тузатишларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади ва Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Бош вазирга нисбатан “ишончсизлик вотуми” институтининг миллий қонунчилигимизга киритилиши ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент, ўз-ўзидан сайловчилар назоратининг самарали тизими яратилишига олиб келади. Сиёсий партияларнинг бутун ижро тизими устидан назоратни амалга ошириши катта аҳамият касб этади. Мамлакат ва ҳудудларнинг стратегик йўлини белгиловчи Бош вазир ҳамда ҳокимларни лавозимига тайинлаш ёки лавозимидан бўшатишда иштирок этиш билан сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи ва масъулияти ортади. Зеро, сиёсий партиялар демократия механизмининг етакчи институти ҳисобланиб, марказ ва минтақаларда халқ ҳокимияти айнан улар воситасида қарор топади.

Концепцияда баён этилган таклифларнинг миллий қонунчиликда ўз ифодасини топиши натижасида республикамизда марказий ва маҳаллий ижро ҳокимияти мансабдор шахсларининг жамоатчилик олдида жавоб беришининг ўзига хос тартиблари ўрнатилади ва бу жараён янада такомиллаштирилади.

Умуман олганда, Концепцияда билдирилган таклифларнинг амалга ошиши натижасида Олий Мажлиснинг ваколати кенгаяди, айни чоғда ҳукумат мустақиллиги мустаҳкамланади. Бунинг натижасида республикамизда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанат таъминланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сиёсий партияларга берилаётган бундай катта ваколат ва имкониятлар, билдирилаётган ишонч уларга жуда катта масъулият юклайди. Бу эса улардан ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишни, тарафдорлари ва электорати, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш ҳамда ўз дастурларини яна бир бор “кўздан кечириш”ни тақозо этади. Жамиятда сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий етуклиги амалда таъминланмас экан, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ўсиш, ривожланиш ҳамда янгиланишлар жараёни оқсайди.

Юртимизда сиёсий партияларга билдирилаётган ишонч шунчаки демократик андозалар тақозоси эмас, балки жамиятда юзага келаётган объектив зарурат натижасидир. Бу зарурат сиёсий партиялар олдида турган юксак вазифалар давлат ва жамият манфаатларига зид эмаслигида, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг демократик қадриятлар асосида таъминланишида, республикамизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтиришда намоён бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ва демократлаштириш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир.

**Умид ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик**
**палатаси депутати.**

## Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки:

# ЮКСАК САЛОҲИЯТ, МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

***Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар, хусусан, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш масаласига қаратилаётган юксак даражадаги эътибор амалда ўз самарасини бермоқда. Республикамиз банк тизимининг бугунги кунга келиб қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор молия муассасаларидан бири сифатида эътироф этилаётгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу эса иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Буни минтақамиздаги энг йирик инвестиция муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда мазкур банк мамлакатимиз молия бозоридаги етакчилик ўрнини сақлаб турибди. Катта ресурс базаси, сармоя ва активлар Миллий банкка халқаро молия бозорида барқарор мавқени ушлаб туриш ва бунинг баробарида хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш учун имкониятни яратмоқда.

Миллий банк молия бозорининг барча устувор йўналишларида ўз иштирокини кенгайтириб, мижозлар сонини муттасил кўпайтириб бораяпти. Ҳозирги кунда унинг мижозлари сони 2 457,2 минг нафардан ошиб кетди. Бу эса банкнинг ишончлилигига берилган энг яхши баҳодир.

Мазкур молия муассасаси бугунга келиб бир қанча халқаро рейтинглар эгаси ҳисобланади. Жумладан, “Moody’s” ва “Standard and Poor’s” халқаро рейтинг агентликлари Миллий банкка “Барқарор” рейтингини берган. Бу унинг хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда, халқаро савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатишда пешқадамлик қилаётганлигини билдиради.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва кредитловчи муассаса сифатида қатнашиш “Ўзмиллийбанк” фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Банк корхоналар ва ташкилотларга янги объектлар қуриш ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш учун узоқ муддатли кредитлар бериш юзасидан имкониятлар излаб топишга интилаяпти. Кредит портфелининг ҳажми 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 3,859 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, унинг асосий қисми (80,6 фоиз) узоқ муддатли кредитлардир.

Миллий банк молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган инвестиция лойиҳалари миллий иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини таркибан қайта қуришга йўналтирилмоқда. Булар энергия ресурслари ҳамда металл қазиб олиш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва кимё саноати, транспорт, алоқа ва сайёҳлик инфратузилмаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кабилардир.

Ҳозирги кунда Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 3,71 млрд. АҚШ долларини ташкил этувчи 100 дан зиёд инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қабул қилган.

Банк бугунги кунда Фарғона, Марғилон шаҳарлари ҳамда сув қувурига яқин жойлашган аҳоли пунктларини обиҳаёт билан таъминлашни тубдан яхшилашга доир лойиҳаларни молиялаштирмоқда (лойиҳа қиймати 44,98 млн. АҚШ доллари). Бунинг натижасида Фарғона вилоятининг йирик шаҳарлари аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишади.

ISSN 2010-8788
9 772010 878009

Мамлакат ёқилғи-энергетика комплекси Ўзбекистон саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Айтиш жоизки, юртимиз иқтисодий тараққиётининг ишончлилиги ва хавфсизлиги айнан энергетика комплексининг барқарорлигига боғлиқ. Шу боис бугунги кунда «Ўзбекэнерго» ДАКнинг бир қанча лойиҳалари Миллий банк томонидан молиялаштирилмоқда. Умумий лойиҳа қиймати 381,1 млн.евро бўлган Навоий иссиқлик электр станциясини модернизациялаш ва унда 478 МВт бўлган буғ-газ қурилмасини барпо этиш бунга мисол бўла олади.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнида транспорт коммуникациялари — ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт тизимларини ривожлантириш ҳам катта ўрин тутади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг ҳаво кемалари паркини янгилаш ва унификациялаш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида Миллий банк томонидан 6 та “А-320-200” русумли самолёт сотиб олиниши молиялаштирилмоқда. Чунончи, мазкур лойиҳа учун Тикланиш ва тараққиёт фондининг маблағлари ҳисобидан ҳозирга қадар 156,2 млн. АҚШ доллари, Хитой Давлат Тараққиёт банкининг кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан 71,8 млн. АҚШ долларли маблағ молиялаштирилди. Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги халқаро аэропортни реконструкция ва модернизация қилиш учун банк 67,3 млн. АҚШ долларидан кўпроқ эквивалентда кредит ажратди.

“Ўзбекистон Темир йўллари” ДАТК компанияси тизимини ҳам замон талаблари даражасига олиб чиқиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Чунончи, Миллий банк мазкур компания учун Хитойда ишлаб чиқарилган йўловчи электровозларини сотиб олиш бўйича умумий кредит эҳтиёжи 70,1 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳани молиялаш ишларини бошлади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан Миллий банкнинг 19 млн. евро ҳажмидаги кредити жалб этилиб, иккита “Talgo-250” тезюрар электропоездини (Испанияда ишлаб чиқарилган) сотиб олиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Электропоездларни харид қилиш орқали Тошкент — Самарқанд оралиғида тезюрар темир йўл йўловчи транспортидан фойдаланишга ўтиш режалаштирилаяпти. Бу фаол бизнес алоқаларини, шу жумладан, сайёҳлик имкониятларини кенгайтириш, йўловчи ташиш бўйича юқори сифатли хизматлар кўрсатишни таъминлаш ва йўловчилар вақтини тежаш имконини беради.

Миллий банк хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни изчил ривожлантира бориб, республикамизнинг халқаро молия ҳамжамиятига қўшилишида фаол кўмакчи ҳам бўлмоқда. Ҳусусан, банк хорижий шерикларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик борасидаги иқтисодий манфаатларини тезкор аниқлашга ҳамда бу қизиқишни ўз ихтиёридаги мавжуд воситалар билан сақлаб туришга интилмоқда. Банк бугунги кунда жаҳоннинг 75 мамлакатидаги энг йирик ва нуфузли 650 дан ортиқ банклари билан фаол муносабат ўрнатган. Дунё молия бозорида нуфузга эга бўлган “JP Morgan Chase”, “Citibank”, “The Bank of New York”, “Commerzbank”, “Deutsche Bank”, “BNP Paribas”, “Societe Generale”, “Credit Suisse”, “UBS”, “SMBC”, “BTMU” каби молия муассасалари бугун “Ўзмиллийбанк”ни ўзларининг ишончли ҳамкори ўрнида кўради. Халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик доирасида Миллий банк томонидан Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ), Хитой Давлат Тараққиёт банки (ХДТБ), Хитой Эксимбанки, Корея Эксимбанки, Ислом Хусусий Секторни ривожлантириш Корпорацияси (ИХСРК) билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишлари олиб борилаяпти.

Миллий банк — Осиё Банкчилари уюшмаси, Осиё ва Тинч Океани минтақаси Тараққиёт молия муассасалари уюшмаси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Банклараро бирлашмаси сингари етакчи халқаро молия муассасаларининг аъзосидир.

Қайд этиш жоизки, “Ўзмиллийбанк”нинг Хитой Халқ Республикаси билан молиявий ҳамкорлиги, бугунга келиб, айниқса, юксак даражага кўтарилди. Бу ҳамкорлик доирасида молиялаштириш йўналишлари орқали инфратузилмага оид ижтимоий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Миллий банк Хитой Давлат Тараққиёт банки билан икки йўналишда — ШҲТ Банклараро бирлашмаси билан ҳамкорлик доирасида ҳамда инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, умумий қиймати 80 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи икки кредит йўналиши доирасида республикадаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилаяпти.




ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2010 йил июнь ойида бўлиб ўтган Саммитида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Давлат Тараққиёт банки (ХДТБ) ўртасида учинчи — 75 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи кредит битими имзоланди. Ажратилган маблағ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришга, шунингдек, мамлакат инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Миллий банкнинг нафақат Осиё, балки дунёдаги энг йирик молия муассасаларидан бири — Корея Экспорт-импорт банки (Корея Эксимбанки) билан Қарз битими имзолангани халқаро инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаоллиги кучайганидан далолат беради. 50 млн. АҚШ доллари қийматидаги ушбу қарз битими «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида Жанубий Корея билан биргаликда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари молияланишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Ушбу ҳудудни ривожлантиришга ҳозирги кунда республикани иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. “Ўзмиллийбанк” билан Корея Эксимбанкининг мазкур кредит йўналиши доирасидаги ҳамкорлиги 2005 йилда икки йирик банк муассасаси орасида бошланган икки томонлама самарали ҳамкорликнинг мантиқий давомидир.

Мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш ҳам Миллий банк фаолиятида устувор аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ҳам, банк ўз сиёсатини, биринчи навбатда, истеъмол бозорини тўлдириш учун маҳсулот чиқарадиган янги корхоналар ташкил этувчи тадбиркорларга кредитлар ажратишга йўналтирмоқда.

Миллий банк республиканинг барча минтақаларида жойлашган ўз бўлимлари ва филиалларининг кенг тармоғи орқали юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам кенг доирадаги замонавий молиявий хизматларни тақдим этмоқда.

**Банк тизими**

Анъанавий молиявий механизмлар ва энг янги ишланмаларни ўзида уйғунлаштирган кредит сиёсати Банкка Ўзбекистонда бизнес тизимли тарзда ишончли кредитланишини ташкил этиш имконини берди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик фаолияти ривожланишида, ишлаб чиқариш суръатлари юксалишида, маҳаллий маҳсулот экспорт ҳажми ортишида, импорт ўрнини босувчи товарлар кўпроқ ишлаб чиқарилиши ҳамда аҳолининг бандлиги ўсишига кўмаклашади. Масалан, шу йил бошидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун миллий валютада берилган кредитлар ҳажми 126,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Миллий банк микрокредитлар ажратиш масаласига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Бу йўналиш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг тадбиркорлик ташаббуси ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган ижтимоий ёрдам турларидан бири ҳисобланади. 2011 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, кичик бизнес субъектларига барча манбалар ҳисобидан жами 13,7 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, банк Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида Миллий банк ўз маблағлари ҳисобидан 1,44 млрд. сўм ҳажмида микрокредитлар берди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ — 3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида эса банк тадбиркор аёлларга 11,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар бериб, бу борадаги режа кўрсаткичларини ортиғи билан — 206 фоиз қилиб бажарди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 6,1 млрд. сўмни ташкил этди ва бу ҳам режа кўрсаткичидан ортиқ бўлди.

Ҳозир банк томонидан кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш дастури бўйича бир қанча хорижий банклар ва молия муассасалари ҳамда республика бюджетдан ташқари фондларининг кредит йўналишларини ўзлаштириш ва банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни кўриб чиқиш ҳамда молиялаштиришга қабул қилиш ишлари олиб борилаяпти. Чунончи, 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ХДТБ маблағлари ҳисобидан Миллий банк 10,02 млн. АҚШ доллари қийматидаги 29 та лойиҳани молиялаштирди. Шунингдек, 15,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги 45 та лойиҳани молиялаштиришга қабул қилди. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда “Ландесбанк Берлин”нинг (Германия) 20 млн. АҚШ доллари қийматида жалб этилган кредит йўналиши бўйича лойиҳалари молиялаштиришга тайёрланаяпти.

Эътиборли жиҳати, Миллий банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳисобидан 3 079 та иш ўрни яратилди.

Республикада макроиқтисодий барқарорликка эришилгани кичик бизнесни янада ривожлантириш ҳамда мамлакат тадбиркорларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш имконини берди. Кичик бизнес субъектлари банкдан олинган кредитлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришларидаги ижобий динамика ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Миллий банк ҳозирги кунда мамлакатнинг энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Унинг ривожланган инфратузилмаси мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларда фаол қатнашаётган молия ва саноат секторларини қўллаб-қувватламоқда.

Банк республиканинг стратегик муҳим корхоналари акциядорлари таркибига кириш орқали инвестиция жараёнларида, иқтисодиётнинг турли секторлари корхоналарини модернизациялаш, технологик ва техник қайта жиҳозлашда ўз сармояси билан қатнашаяпти.

Бугунги кунда юртимизда молия бозори муассасалари, банклар, суғурта ва лизинг компаниялари ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикасида банк сектори тараққиётини қўллаб-қувватлаш, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини яратиш, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларини таъминлаш мақсадида маҳаллий ва қўшма банклар, шу жумладан, хорижий банкларнинг устав сармояларига инвестициялар йўналтирилди.

Жумладан, ҳозирда миллий банк қимматли қоғозлар бозорида брокерлик, андеррайтинг, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар портфелларини шакллантириш, ўз қимматли қоғозларини чиқариш каби хилма-хил хизмат турларини тақдим этаяпти.

Банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва ресурс базасини мустаҳкамлаш учун депозит ва депозит (жамғарма) сертификатларини чиқариш орқали аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг вақтинча бўш пул маблағларини жалб этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини бажариш мақсадида юридик шахсларнинг бўш маблағларини банкнинг қарз қимматли қоғозларига жалб этиш йўналишида иш олиб борилди.

Банклар томонидан банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлаш, ташқи ва ички бозорларда рақобатлаша оладиган маҳсулот чиқарилишини ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятлари олиниши минтақавий иқтисодиётни янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир. Банк кўмагида янгидан ташкил этилган корхоналар ўз муассислари ёрдамида барқарор ривожланиш даврини бошладилар. Булар қаторида — йирик тўқимачилик корхоналари, кимё саноати корхоналари, озиқ-овқат саноати, кўнчилик, мўйначилик ва пойабзал саноати корхоналари, гўшт-сут саноати, умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги, кабель-сим ишлаб чиқариш саноати, целлюлоза-қоғоз саноати, қурилиш материаллари ҳамда дам олиш ва сайёҳлик соҳаси корхоналарини кўриш мумкин.

Янги корхоналарнинг активларини бошқариш, шунингдек, иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни бундан-да кўпроқ кириб келишини рағбатлантириш мақсадида банк иккита шўъба инвестиция компанияси — «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» компанияларини таъсис этди. Иқтисодий қийинчиликларга дуч келган ишлаб чиқариш корхоналари самарали бошқарилишини ташкил этиш, уларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, шунингдек, инвесторларни излаб топиб, уларга бу корхоналарни сотиш мазкур компанияларнинг бош вазифаси қилиб белгиланди. Ҳозирда бу компанияларга янги ташкил этилган корхоналар ишонч асосида бошқариш учун топширилган. Бугунги кунга келиб 44 та корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланди. Ишлаб чиқаришни тиклаш, иқтисодий ночор корхоналарни модернизациялаш ва зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун Миллий банк 73,6 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратди.

Таъкидлаш лозимки, ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирлар дастури барча корхоналарни тўлиқ қувват билан ишлаш даражасига олиб чиқди, рақобатбардош маҳсулот тайёрланишини таъминлади, 5 799 та иш ўрни яратишда кўмаклашди ва янги ташкил этилган корхоналарга юқори малакали, шу жумладан, хорижий менежерларни жалб қилди. Ҳозирги вақтга қадар мазкур корхоналарда 165,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 52,1 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди.

Банк томонидан чакана хизматларни ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат молия муассасининг ушбу йўналишдаги асосий мақсадлари ва стратегиясини белгилаб беради. Миллий банк чакана хизматларининг 70 дан ортиқ турдаги кенг доираси миллий ва хорижий валюталарда депозитларни жалб этиш, овердрафт кредитлари бериш, сўм ҳамда халқаро пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш, хорижий валютадаги пул жўнатмаларини амалга ошириш, коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш, валюта айирбошлаш операцияларини бажариш ва бошқа кўплаб хизматларни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Миллий банк ўз мижозларига аҳолининг ижтимоий ва ёш тоифасини ҳисобга олган ҳолда сақлаш шартлари ва муддатлари турлича бўлган миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг хилма-хил турларини таклиф қилмоқда. Мижоз унинг ўзи учун энг манфаатли шартлар белгиланган омонатни танлаши мумкин. Банк мижозлари ўзларининг бўш пул маблағларини “Ўзмиллийбанк” депозит ҳисобварақларида сақлашдан манфаатдордир. Бугунга келиб, Миллий банк муассасаларида миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг 17 тури амал қилмоқда. Миллий банк омонатчилар учун бир хорижий валютани бошқасига нақдсиз алмаштириш бўйича қўшимча хизматларни ҳам йўлга қўйган. Бунга кўра АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлингидаги “Имтиёз” муддатли мультивалюта омонати амал қилмоқда. 13 ой сақлашга мўлжалланган ушбу омонат ундаги қолдиқни юқорида кўрсатилган валюталардан исталган бирига конвертациялаш имконини ҳам беради.




Кейинги йилларда миллий ва хорижий валюталардаги ҳисобварақларга эга бўлган омонатчилар сони деярли 14 баравар кўпайди. Шу жумладан, улар 2010 йилнинг ўзида 373 мингтага ортиб, 2011 йил 1 апрель ҳолатига кўра 2,3 миллиондан ошди.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида фаол иш олиб борилаётгани Миллий банкка Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги қарорига мувофиқ, тижорат банклари орасида аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича ҳар йили ўтказилаётган танлов якунларига кўра, “Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки” асосий номинациясида уч маротаба совринли ўринларни қўлга киритиш имконини берди. Чунончи, банк 2008 йилда биринчи, 2009 йилда иккинчи, 2010 йилда эса биринчи ўринга муносиб кўрилди.

Бутун дунёда банк пластик карточкалари орқали бажариладиган нақдсиз электрон тўловлар замонавий пул айланмасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул айланмасида пластик карточкалардан фойдаланилиши нақд пулга бўлган талабни камайтиради, улар айланишини тезлаштиради, шунингдек, пул массаси назорат қилинишини соддалаштиради. Миллий банк миллий валютадаги ҳисоб-китоблар учун сўм пластик карточкаларни, “VISA” халқаро карточкаларини, “IAPA” ва “Priority Pass” дисконт карточкаларини чиқаради ҳамда улар бўйича хизмат кўрсатади.

Йил бошидан буён Миллий банк томонидан 83,7 минг дона пластик карточка чиқарилди, улар бўйича операциялар ҳажми 296,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Пластик карточкаларнинг умумий сони ҳозирги кунда 2355,3 минг донага етган. Хусусан, биргина иш ҳақи лойиҳалари доирасида 728,8 мингта карточка чиқарилди.

Албатта, ушбу тизимда иш юритишда банкоматлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Бугунга келиб “Ўзмиллийбанк” банкоматлари барча банклар томонидан бутун республикадаги корхоналар, ташкилотлар, банк муассасалари биноларига ўрнатилган банкомат ускуналари умумий миқдорининг учдан бир қисмини ёки 122 тани ташкил этади. Миллий банк инфокиосклари улуши бутун республика бўйича инфокиосклар умумий миқдорининг 23 фоизини ёки 112 донани, банк томонидан мамлакатнинг барча минтақаларидаги савдо-сервис корхоналарида ўрнатилган терминаллар миқдори эса 13 фоиз ёки 11 минг донадан кўпроқни ташкил қилади.

Бугун Миллий банк замонавий банк хизматларини аҳоли гавжум жойларга имкон қадар яқинлаштириш учун барча чораларни кўрмоқда. Шу мақсадда ихтисослаштирилган кассалар (101 та касса) ва минибанклар (10 та минибанк) тармоғини кенгайтираяпти. Жумладан, шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида улар томонидан ҳам нақд шаклда, ҳам нақдсиз усулда 32,1 млрд. сўм миқдоридаги тўловлар қабул қилинди.

Ҳозир банк пластик карточка эгаларига янги банк хизмати — иш ҳақи лойиҳалари доирасида чиқарилаётган овердрафт кредит карталарини таклиф этаяпти. Бундай карточкалар ўз эгасига банкдан қарз олиш имконини беради.Ҳозирда овердрафт кредитлари аҳоли турли қатламларининг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконини берувчи тўртта кредит схемаси шаклида таклиф қилинмоқда.

2010 йилда Миллий банк ўз мижозларига сўм пластик карточкалари бўйича sms, e-mail ва web-хабарлаш ахборот хизматлари ҳамда сервисларини тақдим этиш юзасидан пилот лойиҳани муваффақиятли амалга оширди. Анъанавий «off-line» сервис турига қўшимча равишда, Миллий банк масофадан хизмат кўрсатишнинг шахсий Web-кабинет ва IVR-кабинет каби турларини жорий этаяпти.

Бу борада банкнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмаяпти. Пластик карточкалар эгаларининг сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Юқорида биз келтириб ўтган банкнинг фаолиятига доир ютуқ ва изланишлар мамлакатимизда ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидан далолат беради.

“Ўзмиллийбанк” бундан буён ҳам республиканинг энг йирик банки сифатида мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган молиявий сиёсатини амалга оширишда давом этади.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.**

t

### Бугун — Халқаро музейлар куни

Ватанимизнинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби маданий соҳада, шу жумладан, бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар қаторида Ўзбекистон ҳудудидаги музейлар фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди.

# БЕБАҲО МЕРОСИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги Қонуни, Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши музейларимиз ҳаётида катта аҳамият касб этди. Юртимиздаги мавжуд музейлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекмузей" жамғармаси тузилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, ташкилотлар қошида, шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида жами 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Булардан ташқари юртимизда ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбобларининг уй-музейлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида давлат тасарруфидаги 27 та музей мавжуд.



Мустақиллик йилларида музейлар фаолиятини жонлантириш, миллий давлатчилигимиз тарихи ва бугунини ўзида мужассам этувчи янги-янги маданий даргоҳларни бунёд этишга кенг эътибор қаратилди. Пойтахтимиздаги нуфузли Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Термиз Археология музейларининг очилиши ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг ташкил этилиши фикримиз далили бўла олади. Бугунги кунда юртимизда 27 та тарих музейи, 28 та ўлкашунослик, 10 та бадиий санъат кошоналари, 26 та мемориал, 8 та адабиёт музейи, биттадан табиат ва археология музейлари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда ушбу музейларда 2 миллиондан ортиқ экспонатлар мавжуд.

Пойтахтимизнинг энг кутлуғ қадамжоларидан бирига айланиб улгурган Темурийлар тарихи Давлат музейи ташкил этилганига шу йилнинг 18 октябрида 15 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида музей фонди янги экспонатлар билан бойиди. Бу ерда турли мавзуларга бағишланган кўргазмалар мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, шу кунларда мустақиллигимизнинг 20 йиллик тантаналарига бағишлаб, чет эл музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид ашёларнинг виртуал кўргазмасини ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Биласиз, темурийлар даври халқимиз, қолаверса, дунё тамаддуни ривожланиш тарихида алоҳида ўринга эга. Лекин ўша замонга оид кўплаб ашёлар турли даврларда ҳар хил сабаблар билан юртимиздан ташқарига олиб кетилган. Бугунги кунда чет эл музейларида темурийлар даврига оид амалий санъат, миниатюра, қўлёзма асарлари, ҳарбий санъат намуналаридан иборат қатор ёдгорликларимиз сақланади. Юртбошимиз ташаббуси билан 2002 йилда четга ташиб кетилган маданий бойликларимизни тўплаш, уларнинг нусхаларини олиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида махсус комиссия иш бошлаган эди. Ушбу комиссия саъй-ҳаракати ўлароқ, Беҳзод миниатюраларининг эгизак нусхалари бугун музейимиз фондини тўлдириб турибди.

Кези келганда айтиш жоизки, ҳали музей фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қатор ишларни амалга ошириш талаб этилади. Хусусан, бу ўринда музей педагогикаси, музей аудиторияси, экспозиция, музей фонд иши, музей маркетинги ва бошқа соҳалар фаолиятини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ташкил этилаётган кўргазмаларни замонавийлаштириш, кўргазмаларда техника воситаларининг кенг қўлланилиши, виртуал кўргазмалар, мавзу билан боғлиқ саҳналаштирилган томошалар ташкил этилиши ҳам ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотади, албатта.

Хулоса ўрнида айтганда, музейлар маънавий етук, комил инсонни тарбиялашда ўзига хос ўрин тутади. Музейларда сақланиб, намойиш этилаётган тарихий ҳужжатлар ва халқимиз маданиятига оид ашёлар янги авлодга аждодлар ўтмиши, ҳаёти, юксак маънавиятидан дарак бериб, Ватанга муҳаббат, ота-боболаримиз қолдирган маданий меросга ҳурмат, эъзоз туйғусини уйғотади.

**Дилафрўз ҚУРБОНОВА,**
**ЎзР ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи бош мутахассиси, тарих фанлари номзоди.**

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТДА ЯШАШ БАХТИ

***Яшил майдон жозибаси. Миллионлар ўйини сеҳри. Мана шу бири-бирига уйғун жиҳатлар намоён бўлиши учун айнан "Пахтакор", "Олд Траффорд" ёки "Маракана" стадионларида тўп суриш шарт эмас.***



### Болалар спорти

Бу оддий ҳақиқат яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Камолон маҳалласида жойлашган болалар спорт майдончасида ўтказилган мусобақада яна бир бор ўз исботини топди. Якунига етиб бораётган ўқув йили арафасида мактаб ўқувчилари футбол бўйича ташкил этилган маҳаллалараро чемпионатда спорт юлдузларидан асло кам эмасликларини кўрсатдилар. Тўғрисини айтганда, бири-биридан чиройли спорт либосларида стадионга тушган болалар ўша куни мириқиб футбол ўйнашди, яйраб-яшнашди, энг муҳими, йиғилган томошабинларда завқ уйғотишди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур биринчиликда 180 нафар 14 — 15 ёшли бола жамоаларга бўлинган ҳолда тўп сурди.

— Стадионда футбол ўйнаётган чаққон, абжир ва иқтидорли ёш авлодга ҳавасим келди, — дейди ўз маблағи ҳисобидан ушбу спорт майдончасини қуриб берган отахон Жаҳонгир Усмонов. — Яна бир қувонарли томони, шу йил ёзда Мексикадаги жаҳон чемпионатига борадиган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси таркибида бизнинг маҳалладошимиз Забиҳулло Ўринбоев ҳам бор. Ҳозир Камолонда копток тепиб юрган қайси боладан сўраманг, ҳаммаси "Забиҳулло акам каби зўр футболчи бўламан", дейди. Уларнинг тимсолида болалик орзуларим рўёбини кўраман. Шундай кенг имкониятлар яратиб берган Президентимиздан чексиз миннатдорман.

Шубҳасиз, мазкур турнир ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, футболни ривожлантириш ва ёшлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадга хизмат қилди.

Мусобақа якунида "Камолон-1", "Камолон-2" ҳамда "Янгиобод" жамоалари кучли учликни ҳосил қилдилар. Уларга мусобақа ташкилотчилари томонидан кубок, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан бадиий гимнастика, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, армрестлинг, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича ҳам мусобақалар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу жараёнлар ёзги таътил даврида янада авж олади.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

***Пойтахтимизда "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" ойлиги доирасида давра суҳбати ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.***

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида таъкидланганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи саналади.

### Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар шулар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Бу борада қабул қилинган ҳамда мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурининг аҳамияти беқиёс эканлигига урғу берилди. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлашига хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди. Чунончи, Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини қамраб олган принциплар мустаҳкамлаб қўйилган. Айни чоғда фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кўплаб қонунлар ҳаётга жорий этилди, ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот жараёнлари изчил амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида ҳуқуқий таълимнинг сифатини янада яхшилаш, амалдаги қонунлар ижросини сўзсиз таъминлашда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг фаоллигини кучайтириш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

### Анжуман

***Гулистонда республика Байналминал маданият маркази ҳамда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида ташкил этилган дўстлик фестивалининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.***

## ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилаётган ушбу тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари жамоалари, коллеж ва лицей ўқувчилари қатнашди.

Тадбир давомида иштирокчилар ва меҳмонлар вилоятда яшаётган турли миллат ва элатларнинг урф-одатлари, анъаналари, қўшиқ ва рақслари билан танишдилар. Шунингдек, тадбир доирасида "Биз — ягона Ватан фарзандларимиз!" мавзуида илмий-амалий анжуман ҳамда ёш ҳунарманд ва рассомларнинг ижод намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди.

**Ҳафиза УБАЙДУЛЛАЕВА.**




Micros®

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS
МАССА-К акциядорлик жамияти

ТАРОЗИЛАР
БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!

КРАНЛАР, ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИ, АВТОМОБИЛЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР ОҒИРЛИГИНИ ЎЛЧАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН



ТЕНЗОМЕТРИК ДАТЧИКЛАР, ТАРОЗИ ТЕРМИНАЛЛАРИ, КАБЕЛЛАР, 1С га МОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРЛАРИ

Тошкент шаҳрида:
- Тўйтепа кўчаси, 5-уй. Тел.: (+998 71) 232-06-61, 233-58-99, 233-60-07;
- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86-уй. Тел.: (+998 71) 281-43-64, 281-47-24. Факс: 281-43-65;
- С. Азимов кўчаси, 72-«А» уй. Тел.: (+998 71) 236-04-49. Факс: 232-06-85.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

Маҳсулот сертификатланган.



«Универсалбанк»
хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки

электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказини ташкил этиш учун дастурларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Техник талаблар ва тижорат таклифини бериш тартиби www.universalbank.uz сайтида келтирилган.

Тижорат таклифлари 2011 йил 16 июнь соат 12.00 га қадар қабул қилинади.

Тижорат таклифини тақдим этиш манзили:
150700, Ўзбекистон, Қўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 18-уй.
«Универсалбанк» ХОАТБ бош офиси.
Масъул ходим — П. Р. Бўриев.
Маълумот учун телефон: (8-373) 552-98-05.






"Росагропромснаб" МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари



Маҳсулот сертификатланган.
Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90


Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъати, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Баҳодир Аҳмедович Матлюбовга волидаи муҳтарамаси **МАРҲАБО аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор **Раҳматулло САДУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Аудивизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси Муҳаббат Солиевага ўғли **Бахтиёр ЭЛМУРОДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканали" ЁАЖ жамоаси телерадиоканал шарҳловчиси Маҳмуда Тожибоевага волидаи муҳтарамаси **МУНАВВАРХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "O`zbekiston" телерадиоканали жамоаси Кинодастурлар ва тезкор дубляж студияси режиссёри Улуғбек Шойназаровга укаси **ШОҲРУҲЖОНнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[т] -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5